

Дилмурод ЖАББОР

САЛОМ СЕНГА, РОНАЛДИНО!

(ДОСТОН)

(МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР УЧУН)



ТОШКЕНТ "ЗАР ҚАЛАМ" НАШРИЁТИ, 2006

РОНАЛЬДИНО:

Тўлиқ исми: Рональдо де Ассис Морейра

Туилган санаси: 1980 йил 21 март

Туилган жойи: Порту Алегри (Бразилия)

Ўйи: 181 сантиметр

Вазни: 76 килограмм

Ампласи: ҳужумкор ярим ҳимоячи

Эришган ютуқлари: Ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони (1997),

Жанубий Америка кубоги соҳиби (1999), жаҳон чемпиони (2002), Испания чемпиони (2005).

Дунёнинг энг яхши ўйинчиси (2004, 2005).

Чемпионлар лигаси совриндори (2006)

32292

10 09

00 06
19061
Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston Mi

САЛОМ СЕНГА, РОНАЛЬДИНО!

Бразилиялик футбол юлдузи,
Рональдино қаторасига иккинчи бор
(2004, 2005 йиллар) дунёнинг энг яхши
футболчиси номига мушарраф бўлди.

(ДОСТОН)

Зур юлдуз бўлиб балқиш,
Энг яхши деган олқиш, ★
Зурлар ичра буюк иш,
Салом сенга, Рональдино!

Порту Алегри(1) юртинг,
Футбол этагин тутдинг,
Гоҳ ютқаздинг, гоҳ ютдинг,
Салом сенга, Рональдино!

Ун етти еш(2) гузал ёш,
Новвот еш, ҳам, асал еш,
★ Туп тегишга маҳтал ёш,
Салом сенга, Рональдино!

(1) Порту Алегри (Бразилия) Рональдино туғилган жой.

(2) Рональдино 17 ёшидан футбол билан жиддий шуғуллана бошлаган.

Отанг туп сурган кунлар.(3)
Завқини курган кунлар,
Сен туғилган у кунлар,
Салом сенга, Рональдино!

★

Аканг Роберто чаққон,(4)
Унга ҳам футбол еққан,
Қарсак келар түрт еқдан,
Салом сенга, Рональдино!

Сен отангга эргашдинг,
Сен акангга эргашдинг,
Бир ҳалқага бирлашдинг,
Салом сенга, Рональдино!

Гремио (5) очди қучоқ,
Футбол қатъий овунчоқ,
Интилиш бўлди ҳар чоқ,
Салом сенга, Рональдино!

★

(3) Рональдинонинг отаси Жеао де Сильва Мареро Бразилиянинг қатор жамоаларида тўп сурган.

(4) Акаси—Роберто Ассис Порту Алегрининг “Гремио” жамоасида ўйнаган.

(5) Рональдино 18 ёшда “Гремио” жамоаси сафига қабул қилинган.

Бошланди эл таниши,
Ишқибозлар ёниши,
Футбол булди жон ишинг,
Салом сенга, Рональдино!

Қарсақ чалди япроқлар,
Яшил булди чироқлар,
Чорпади қунғироқлар,
Салом сенга, Рональдино!

У ён ҳам келинг,— дейди,
Бу ён ҳам келинг,— дейди,
“Бизники булинг”,— дейди,
Салом сенга, Рональдино!

Ун еттининг уртаси,(6)
Порлаб бугун—эртаси,
Булдинг юртнинг эркаси,
Салом сенга, Рональдино!

Дунё ёшлари баҳси,
Булганда футбол нақши,
Ягона булди шахсинг,
Салом сенга, Рональдино!

(6) Рональдино 17 ёшида ўсмирлар ўртасида
жаҳон чемпиони бўлган.

Энг яхши деб ном олдинг,
Битта олтин жом олдинг,
Ва бундан илҳом олдинг,
Салом сенга Рональдино!



Ун саккизга кирган он,
Бразилия—чемпион,
Сен қувондинг минг чандон,
Салом сенга, Рональдино!

Юртинг қушиқ куйлади,
Номинг қушиб куйлади,
Булди зафар туйлари,
Салом сенга, Рональдино!

Икки минг биринчи йил,
Париж сари олдинг йул,(7)
Ватан қолди силкиб қул,
Салом сенга, Рональдино!

Сенда битта мақсад бор,
Битта аҳд, бир шиддат бор,
Футбол деган қисмат бор,
Салом сенга, Рональдино!



(7) 2001 йил ПСЖ Рональдинони 12 миллион долларга сотиб олди.

Футбол—қувлашмачоқмас,
Футбол—голни ювмоқмас,
Туқсон минут жанг—у баҳс,
Салом сенга, Рональдино!



Юрагингда бир шпор,
Вужудингда номус, ор,
Шунинг учун—зафар ёр,
Салом сенга, Рональдино!

Табиат инъом этган,
Ота—онангдан утган,
Камтаринсан,—бергум тан,
Салом сенга, Рональдино!

Сени қувлаб етолмай,
Етса тупни ололмай,
Рақиб ҳоли булар вой,
Салом сенга, Рональдино!



Майда гаяга хушинг йуқ,
Биров билан ишинг йуқ,
Гол киритсанг,—чеҳранг чуғ,
Салом сенга, Рональдино!

Париж нон-у туз берди,
Ой берди, юлдуз берди,
Обруни сўзсиз берди,
Салом сенга, Рональдино!



Омад берди Худойим,
Куз тегмасин илоҳим,
Зурлар булар мулоҳим,
Салом сенга, Рональдино!

Фурур билан уйнадинг,
Сурур билан уйнадинг,
Бахт-нур билан уйнадинг,
Салом сенга, Рональдино!



Яшил майдон—пояндоз,
Ҳар бир минут чигал ёз,
Топавердинг сен, эъзоз,
Салом сенга, Рональдино!

Ҳар ўйинда гол булди,
Парижлик хушҳол булди,
Пуллари ҳалол булди,
Салом сенга, Рональдино!

Майдондан қувнаб чиқдинг,
Гул бўлиб яшнаб чиқдинг,
Дустларни хушлаб чиқдинг,
Салом сенга, Рональдино!

Фарзанддек курди Париж,
Дилбанддек кўрди Париж,
Асал—қанд берди Париж,
Салом сенга, Рональдино!

Озоринг йуқ майдонда,
Туқсон минут имкон—да,
Олқишлар сен томонда,
Салом сенга, Рональдино!

Эрта бугундан узди,
Муҳлислар билди, сезди,
Овозанг дунё кезди,
Салом сенга, Рональдино!

Зур кутди—Каталония,
Эсимда—уша сония,
Отанг курса қани—я,
Салом сенга, Рональдино!



Уттиз минг мухлис чиқди.(8)

Йигит чиқди, қиз чиқди,



Ҳопли—ю, ҳопсиз чиқди,

Салом сенга, Рональдино!



Гул тутдилар қанчаси,



Сурат тушди анчаси,



Атроф лиқ,— қувонч саси,

Салом сенга, Рональдино!



Меҳрлида меҳр булак,



Сеҳрлида сеҳр булак,

Сени деб энди юрак,



Салом сенга, Рональдино!



Сенда қибор курмадик,



Дилда губор курмадик,



Челси га ҳам бермадик,



Салом сенга, Рональдино!



Кучманчи булма майли,



Таъна—тош отилмайди,

Яхшилар сотилмайди,

Салом сенга, Рональдино!

(8) Барселона аэропортида Рональдинони 30 минг мухлис кутиб олди.



Дил футболдир, пул футбол,
Унг футболдир, сул футбол,
Сен футбол—у, мен футбол,
Салом сенга, Рональдино!

★
Сенда футбол хумори,
Сен "Барса"нинг тумори,
Суяр Испан дieri,
Салом сенга, Рональдино!

"Барса" учди куш мисол,
Муҳлис учун туш мисол,
Қолмади бошқа савол,
Салом сенга, Рональдино!

Футбол чин сиз—биз бўлди,
Ёқимтой юлдуз бўлди,
Олтин туп куз—куз бўлди,
Салом сенга, Рональдино!

★
Кулгичи, қувноқ йигит,
Оёғи, чакноқ йигит,
Булсанг, бул,—шундоқ йигит,
Салом сенга, Рональдино!

Рональдино ГАУША.(9)

Зийрак эпчил ҳамиша,
Сарбаланддир андиша,
Салом сенга, Рональдино!

Сен "кичкина Рональдо."
Сен кумушсан, сен тилло,
Юлдуз узинг,—сержило,
Салом сенга, Рональдино!

Тепганинг уқдай борар,
Мулжали тукдай борар,
Тусиқни алдар, ёрар,
Салом сенга, Рональдино!

"Барселона" — "Реал" кун,
Уйин тақдири ҳал кун,
Учта гол ҳам дангал кун,
Салом сенга, Рональдино!

(9) Ҳозир "Реал" сафида ўйнаётган Роналдо Назарио Делима Бразилия терма жамоаси маълумотларида Рональдино деб қайд этиларди. Лекин муҳлислар Роналдо деб ўрганиб қолишган. Ўзгартиришнинг иложи йўқ эди. Оқибатда Роналдо Де Ассис Мареро ўзини Рональдино ГАУША деб атай бошлади. "Рональдино" сўзи кичкина Роналдо маъносини билдиради.

Мадрид поп, испан ҳайрон,
Раул поп, Зидан ҳайрон,
Бекхем жим ёқавайрон,
Салом сенга, Рональдино!

Чиройли гол маза-да,
Кунгил голдай тоза-да,
Шу сўз бирам озода,
Салом сенга, Рональдино!

Сакраб уйна оҳудай,
Ёриб утгин чопғудай,
Вақти келиб бир кудай,
Салом сенга, Рональдино!

Бурчак туп нақ бошида,
Ақл чопар ёнбошида,
Рақиб мулзамдир қошида,
Салом сенга, Рональдино!

Сенсан ҳужум қироли,
"Барселона" қуроли,
Бунча хушхулқ, ороли,
Салом сенга, Рональдино!

Юлдузларнинг сараси,
Узоқдир, пул ораси,—
Пеленинг набираси,
Салом сенга, Рональдино!

Ихлосимни айтай,— бил,
Эъзозимни айтай,— бил,
Дил розимни айтай,— бил,
Салом сенга, Рональдино!

Футбол менинг жон—дилим,
Яшил майдон унг—сўлим,
Қушилсин,— тақдир йулим
Салом сенга, Рональдино!

Тушимга туп киради,
Беш—унмас, куп киради,
Тушак—майдон булади,
Салом сенга, Рональдино!

Бир гап ҳақ гаплашдик ҳам,
Туп тепдик "Узган" да ҳам,
Дединг:— машқинг ҳали кам,
Салом сенга, Рональдино!

Футболга ишқ қондадир,
Беҳаловат жондадир,
Шунда омад ёндадир,
Салом сенга, Рональдино!

Тугилгансан—Наврузда,
Навруз,—хур фасл бизда,
Кузмунчоқ тақай сузга,
Салом сенга, Рональдино!

Сени жуда кургим бор,
Бироз суҳбат кургим бор,
Бирга—бирга юргим бор,
Салом сенга, Рональдино!

Буйим новча, сеп озгин,
Айтай дилда суз мағзин,
Хат ёзай, хатлар ёзгин,
Салом сенга, Рональдино!

Сени яқин акам дей,
Кулни бергин маҳкам дей,
Футбол қушиқ—футбол куй,
Салом сенга, Рональдино!

Ун рақам булиққина,
Бахтга куп йулиққин-а,
Биздан меҳр ипиққина,
Салом сенга, Рональдино!

Йигирма беш олов ёш,
Йигирма беш лов-лов ёш,
Йигирма беш куёв ёш,
Салом сенга, Рональдино!

Ўзлик тарк этмасин ҳеч,
Тезлик тарк этмасин ҳеч,
Бузлик тарк этмасин ҳеч,
Салом сенга, Рональдино!

“Ўзга сайёралик” (10) деб,
Йуқдир бегоналик деб,
Муҳлис сенга берар зеб,
Салом сенга, Рональдино!

Туп урсанг чандон ўзинг,
Завқлансанг хандон ўзинг,
Гоҳ ёлғиз майдон ўзинг,
Салом сенга, Рональдино!

(10) Рональдинони Испанияда эркалаб “Ўзга сайёралик” деб атайдилар.

Сен кўп жойда гол урган,
Кутилмаган ҳол урган,
Сендан чучир,—ҳатто КАН,
Салом сенга, Рональдино!

Гар очилса "иштаҳанг"
Уйин булар рангба—ранг,
Рақиб мухлис ҳангу—манг,
Салом сенга, Рональдино!

Жамоа омон—омон,
Битта тан—у, битта жон,
Юрак шиори—виждон,
Салом сенга, Рональдино!

Қизганмайсан, тўпни сен,
Унутмайсан ҳўпни сен,
Ва уйлайсан кўпни сен,
Салом сенга, Рональдино!

Омад сени ҳамроҳинг,
Ҳурмат сени ҳамроҳинг,
Иzzат сени ҳамроҳинг,
Салом сенга, Рональдино!



СЕРИЯ
СОВЕТСКИЕ
БАЛЕТНИКИ

ДЕКУ, ЛАРССОН, РОХАНДИНО

Цюрихда(11) қутладилар,
Қувончидан ёнди зал,
Раҳмат узингга аввал,
Салом сенга, Рональдино!

Керилмадинг сузингда,
Ишонч курдим кузингда,
Зап мулойим узинг—да,
Салом сенга, Рональдино!

Бу кунни кутдим дединг,
Омадни тутдим дединг,
Яна мен ютдим дединг,
Салом сенга, Рональдино!

Буни билар, билганлар,
Асло иққидир кулганлар,
Етар меҳнат қилганлар,
Салом сенга, Рональдино!

Умр гул,—чорак аср,
Сузлар,—муборак қаср,
Олтин туп—ял—ял ёнур,
Салом сенга, Рональдино!

(11) Рональдино тақдирланган жой номи.



Дустларинг ҳам чаккимас,
Оёққа тўп тегса бас,
Гол ҳидидан келар сас,
Салом сенга, Рональдино!

Это—о ҳам, Деку ҳам,
Юлдузлардан эмас кам,
Пюёл қурғон—мустаҳкам,
Салом сенга, Рональдино!

Хави, Парсен бошдалар,
Месси, Попес бошқалар,
Белетти, Жули қадар,
Салом сенга, Рональдино!

Валдеснинг кузи 'туртта',
Куринар майдон—урта,
Тўп пулин тусар шартта,
Салом сенга, Рональдино!

Дарвозада абжир у,
Хавф тугилса сезгир у,
Ҳужумчига занжир у,
Салом сенга, Рональдино!





Рейкард устоз—босиқ суз.

Рейкард устоз—очиқ юз.



Кеча—кундуз юзма—юз.



Салом сенга, Рональдино!



Уйинин эспар отам,

Тошиброқ сузлар отам.



Катта юлдуз Рейкард ҳам.

Салом сенга, Рональдино!



Футболга туғилган у.



Майдонда туғилган у.



Шод онда туғилган у.

Салом сенга, Рональдино!



Рейкард қайга борса бор.



Жамоа зур, омад ёр.

Сен борсан—ки, "Барса" бор.

Салом сенга, Рональдино!



"Барса"—якка пешқадам.



"Реал"—ортда уч қадам.

Хавас қипар дунё ҳам.



Салом сенга, Рональдино!



Сени дунё танийди.

У дейди, ё бу дейди.



Бир бор курсам қанийди,
Салом сенга, Рональдино!

Бу меҳрдек меҳр йўқ,
Жондай ихлос, сеҳр йўқ,
Ютуқ сенда, кунгил тук,
Салом сенга, Рональдино!

Уйнадинг имкондан кенг,
Ишларинг доимо унғ,
Шуҳратинг осмонга тенг,
Салом сенга, Рональдино!

Жилвон—қирлар пчраман,
Варраклар учираман,
Меҳримни кучираман,
Салом сенга, Рональдино!

Чемпионлар лигаси,
Кепар зурлар нафаси,
Осон утди ҳаммаси,
Салом сенга, Рональдино!

Ун еттинчи май—финал,
БАРСЕЛОНА—АРСЕНАЛЪ,
Вужуд ёнар, қалб ёнар,
Салом сенга, Рональдино!

Осон кечмади уйин,
Куздан қочмади уйин,
Дилдан учмайди уйин,
Салом сенга, Рональдино!

Яна сен чаққон булдинг,
Барчага ёққан буйинг,
Сездинг, уздинг, шаън булдинг,
Салом сенга, Рональдино!

Ярим тун уйқум қочди,
Дустларинг кузим очди,
Роҳат қилдим, бил, рости,
Салом сенга, Рональдино!

Ғалаба—паззат, қиём,
Ғалаба—сурур, илҳом,
Ғалаба—бу олтин жом,
Салом сенга, Рональдино!

Муборақ булсин зафар,
Биз кутгандик муқарраб,
Укамдан бобом қадар,
Салом сенга, Рональдино!

Қулингда кубок кўрдим,
Кубок эмас, тоғ кўрдим,

Думоғингни чоғ курдим,
Салом сенга, Рональдино!

Ғолиблик ярашаркан,
Каталония ҳам—Ватан,
Ҳамма бир жон, битта тан,
Салом сенга, Рональдино!

★ Жаҳон чемпиони,
Довруғ тутди дунёни,
Мухлис бошлар ялпони,
Салом сенга, Рональдино!

Жамоага тасанно,
Иродага тасанно,
Чин мақсадга тасанно,
Салом сенга, Рональдино!

Яша ўғлон, ўс ўғлон,
Тупда бекам—куст ўғлон,
Ҳеч тегмасин куз ўғлон,
Салом сенга, Рональдино!

★
Ёз фаслига интиқман,
Тез келсин—ей, инжиқман,
Истайман,—чин кунгилдан,
Салом сенга, Рональдино!

Жаҳон чемпионати. (12)
Яна зафар навбати.
Шиддатларнинг шиддати,
Салом сенга, Рональдино!

Футбол—чиройдир бешак.
Чемпион булсанг керак,
Шундай хаёлда юрак,
Салом сенга, Рональдино!

Ҳаволанма бирор дам,
Гарчи мол—у, дунё жам,
Узоқ ёнсин, ёққан шаъм,
Салом сенга, Рональдино!

Яна қанча суйлайин.
Шеър уқийин, куйлайин,
Соғинай, соғинч сайин,
Салом сенга, Рональдино!

Исмим:—Равшан футболчи.
Сузим ҳурматдан томчи,
Сен йўлимда илҳомчи,
Салом сенга, Рональдино!

(12) 2006 йилнинг ёзида Германияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати назарда тутилган.)

Ёшим ун уч—бир мучал,
Орзуимнинг мағзи ҳал,
Футболга кунглим маҳтал,
Салом сенга, Рональдино!

Отам—онам хайрихоҳ,
Гоҳ пешин, гоҳ оқшом чоғ,
Доим гавжум уйингоҳ,
Салом сенга, Рональдино!

Рақамим ун ярашар,
Ҳаваслилар қарашар,
Дустлар баъзан сурашар,
Салом сенга, Рональдино!

Голсиз чиққан куним кам,
Олқиш, таҳсин жамул—жам,
“Фахрий ерлик” бир олам,
Салом сенга, Рональдино!

Туманга довур билар,
Қишлоқ—у, овул билар,
Ёғилади қарсақлар,
Салом сенга, Рональдино!

Айтсам дема,—манманлик,
Номим бор—сенга шаънлик,

Рональдино — Узган пик, (13)
Салом сенга, Рональдино!

Узган нинг обруйи бор,
Маракаси, туйи бор,
Футбол уйнаш жойи бор,
Салом сенга, Рональдино!

★ Бахтиер ака — устоз,
Дейди: доим, — қанот ёз,
Узган имга айт, парвоз,
Салом сенга, Рональдино!

Футболни сеҳр дейми, —
Жозиба деб атайми?
Юракларга боғланган,
Муъжиза деб атайми?

Маҳалламиз болалари, —
Футбол деса тик турар,
Жамоа булиб йилда, —
Бир хил либос тиктирар.

Майкаларни курсангиз,
Ювентус дан нақшлироқ,
Уйингоҳга қарарлар,
Томарқадан яхшироқ.

(13) Кишлоқ номи.

Хар қанақа завқни ҳам,
Тенг кўрмаслар бир голча.
Қарашлар Европа—ю,
Шаштлар "Интерфутбол"ча.

Балки чиндан ихлосдир,
"Узган"нинг боласига.
"Юлдузлар"га ҳавас ном,—
Ёзилган майкасига.

Расулнинг номи— "РАУЛ",
Зайниддин худди— "ЗИДАН",
Раҳматилло— "РОНАЛЬДО",
Каримжон— "КАРЛОС" экан.

Беҳзод— "БЕКХЕМ"нинг узи,
Фурқат— "ФИГУ"га қиёс.
Нодирни— "НЕДВЕД" дерлар,
Олимжон— "ОВЕН"га мос.

Шавкат рамзий— "ШЕВЧЕНКО",
Амриддин— "АНРИМАН",— дер.
Валижон— "ВЕРОН" эрур,
Толиб— кичик "ТОТТИ" дир.

Давлат—ДАВИДУ—ухшашлик,
Кузойнак ҳам бор қаранг.
Аҳмаджоннинг кумери—
‘АНЕЛКА’ деган фаранг.

Дарвозабон Карим—‘КАН’,
Муҳаммадjon—‘МОСТАВОЙ’.
‘Юпдузлар’ орасида,
Бир узбек бор ҳойнаҳой.

Уша туртинчи рақам,
Уша ҳозир урди гол.
Исмини узгартмаган,—
Бу болами.—МИРЖАЛОЛ.

Футболни сеҳр дейми,—
Жозиба деб атайми?
Юракларга боғланган,
Муъжиза деб атайми?

Шу—да булса муъжиза,
Жозиба булса шу—да.
Маҳалламиз болалари,—
Футболни севар жуда.

Жилвонсой осмонлари,
Ғарбдан гузал, ҳаволи.

Миржалоллар бунда куп,
Юлдузлар да хаели.

х х х

Тугади хатим тамом,
Бугунча гапим тамом,
Пичирлар лабим ҳамон,
Салом сенга, Рональдино!

★ Хатим учсин қуш мисол,
Сузлашдик бир туш мисол,
Равшанбекман,— эслаб қол,
Салом сенга, Рональдино!

Қалбимда оташ, чақин,
Йул узоқ, кунгил яқин,
Менга бугун тилло кун,
Салом сенга, Рональдино!

Бир яйрадим гаплашиб,
Юрак билан аҳдлашиб,
Кел,— кутамиз сафлашиб,
Салом сенга, Рональдино!

Манзил— "Узган"—Бухоро,
Узбекистон—дилоро,
Яшнаетир кун—аро,
Салом сенга, Рональдино!

2005 йил декабрь, 2006 йил январь.



РОНАЛДИНЬОНИНГ ОРЗУЛАРИ ТАВАЛЛУД КУН

21 март куни бразилиялик футболчи 26 ёшга тулди, лекин тирбанд жадвалини ҳисобга олган ҳолда тантаналар уюштиришга вақт қолмапти. Бу эса аспида узининг дабдабали ҳаёти билан эмас, балки майдондаги уйини билан донг таратган футболчи



учун унча ажабланарли ҳол эмаслигидан далолат беради. Менинг ҳаётим шунчалик оддийки, у оммавий ахборот воситалари ходимларини унча қизиқтирмайди.— дейди у uefa.com сайтыга берган интервьюсида.— Ишончим комилки, менинг ҳаётим бошқа кишиларникидан унча фарқ қилгани боис, мени таъқиб қилишмайди. Ҳар куни эрталаб уйғониб кўзгуда оддий йигитни кўраман. Опа аъзоларим ёки баъзан дўстларим билан нонушта қиламан, улар ейдиган таомдан мен ҳам тановул қиламан. Хуллас оддий кишилардек яшайман”.





УШАЛГАН ОРЗУ

Бразилиянинг "Тремио" клуби футбол мактабининг тарбияланувчиси ҳаётдан асло нолимайди. "Болаликда орзу қилганимдек яшайман. Кўчаларда мени таниб қолишларини хоҳлардим. Мен улғайганимда ким бўлишимни тасаввур қилардим. Шундай бўлди ҳам", — дейди у.

2001 йилда бразилиялик футболчи "Тремио"дан "Пари Сен-Жермен"га ўтди, лекин 2002 йилги жаҳон чемпионатидаги муваффақиятли ўйинлари Рональдинога бўлган диққат-эътиборни кучайтирди. Айнан учораки финал ўйинида Англия терма жамоаси дарвозасига "даҳшатли" жарима тупини киритди. Финал ўйинида бразилияликларнинг Германия терма жамоаси устидан 2:0 ҳисоби билан ғалаба қозонишида Рональдинонинг ҳиссаси улкан бўлди.

АЖОЙИБ ИМКОНИЯТ

Навбатдаги учрашувларда Роналдиньонинг шу пайтгача нимага эришганлигини намойиш қилишга имконият туғилди. "Дарҳақиқат, улкан тажриба орттирдим, лекин ҳали куп нарсани урганишим лозим", — дейди у камтарона. Ярим ҳимоячи бутун Бразилия





терма жамоаси ҳақида ҳам шундай фикр билдирилишига умид боғламоқда, чунки булажак турнирнинг энг асосий фаворити сифатида айнан "Пентакампеонлар" эътироф этилмоқда. Бразилия терма жамоасидаги дусларимга ишонаман, шунинг учун бу йилги жаҳон чемпионатида ҳам ғалаба қозонишимизга ишончим комил. Чемпионатда муваффақиятга эришишимиз учун бизда барча имкониятлар етарли",— дейди Роналдиньо.

ТИРИК АФСОНА

Хуллас, Роналдиньода узига ишонч ҳисси йуқ эмас. Мен "Барселона" таркибида шу кунгача эриша олмаган барча ютуқларни қулга киритишга ҳаракат қиламан. Мен иштирок этаётган барча турнирларда ғолиб бўлишни хоҳлайман ва футбол тарихи зарварақларида учмас ном қолдиришни орзу қиламан",— дейди дунёнинг 2005 йилги тенгсиз футболчиси.

РОНАЛДИНЬО—ДУНЁНИНГ ЭНГ БАДАВЛАТ ФУТБОЛЧИСИ

Францининг "Франс Футбол" журнали дунёнинг энг бадавлат футболчилари рўйхатини эълон қилди. Бразилиялик Роналдиньо ушбу рўйхатда бир неча йил давомида пеш-



қадамлик қилиб келаётган "Реал" ярим
ҳимоячиси Дэвид Бекхэмдан биринчи ўринни
тортиб олишга муваффақ бўлди. "Франс
Футбол" рейтингида "Барселона" етакчиси 23
миллион евро даромад билан ушбу руйхатни
бошқармоқда. "Реал"нинг икки футболчиси
Дэвид Бекхэм (18 миллион евро) ва Рональдо
(17,4 миллион евро) дунёнинг энг бадавлат
футболчилари руйхатидан кейинги ўринларни
банд этишган. Шунингдек, юқори ўнликдан
қуйидаги футболчилар жой эгаллашди:

4. Уэйн Руни (Англия/"Манчестер Юнайтед")—16,1 миллион евро;
5. Кристиан Вьери (Италия/"Монако")—16,1;
6. Зинеддин Зидан (Франция/"Реал")—15;
7. Алесандро Дель Пьеро (Италия/"Ювентус")—11,5;
8. Фрэнк Лэмпард (Англия/"Челси")—9,8;
9. Тьерри Анри (Франция/"Арсенал")—9,8;
10. Джон Терри (Англия/"Челси")—9,7.





Дилмурод ЖАББОР

САЛОМ СЕНГА, РОНАЛЬДИНО!

(ДОСТОН)

(МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР УЧУН)

Мухаррир—**Дилшод Муҳаммад РАЖАБ**
Техник муҳаррир—**Нусратилло НИЗОМОВ**
Мусаххих—**Саъдулло МУСТАФОВ**
Компьютер оператори—**Нуриддин МАВЛОНОВ**

Теришга берилди 30.04.2006 йил. Босишга рухсат
этилди 17.05.2006 йил. Бичими 60x90/16. Газета
қоғози. Нашр табоғи 2,25. Баҳоси келишилган
нархда. Вилоят босмахонаси МЧЖда чоп этилди.
Адади—3000 нусха. Буюртма № 969. Бухоро шаҳри,
И.Мўминов кўчаси, 27-уй.